

“Келишилди”
 Ўзбекистон ошпазлар
 Уюшмаси раиси

 А.Х. Умаров
 «30» 04 2021 й.

“Келишилди”
 Ўзбекистон Республикаси
 Соғлиқни сақлаш вазирлиги

 А.М. Хаджибаев
 «03» 05 2021 й.

“Тасдиқлайман”
 Ўзбекистон Республикаси
 Халқ таълими вазирлиги

 Ш.Х. Шерматов
 «06» 05 2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон ошпазлар Уюшмасининг ҳамкорликдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими муассасаларида ўқувчиларни соғлом овқатланишини ташкил этиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар | Бажариш муддати | Молиявий манбалар | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---------------------|-------------------|--|
| I. Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш | | | | |
| 1. | Халқ таълими муассасалари тизимидаги муассасаларнинг ошпаз ва ошпаз ёрдамчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режа дастурларни ишлаб чиқиш. | 2021 йил май | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 2. | Халқ таълими тизимидаги муассасалар бош ошпазлари, ошпазлари, ёрдамчи ошпазлари ва ошхона ходимларининг малака тавсифларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. | 2021 йил II - чорак | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги. |

| | | | | |
|--|--|--|---|--|
| 3. | Халқ таълими тизимидаги муассасалар ошхоналари учун бир кунлик маҳсулотлар меъёрини ҳисобга олган ҳолда фаслий таомнома ва таомлар рецептураси тўпламини ҳамкорликда ишлаб чиқиш. | 2021 йил II - III- чорак | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| II. Таълим муассасалари ошпазларини малакасини ошириш тизимини яратиш | | | | |
| 4. | Халқ таълими муассасалари ошпазларининг маълумоти, мутахассислиги, иш тажрибаси, малакасини оширганлиги ва сертификатга эга эканлиги бўйича хатлов ўтказиш. | 2021 йил июнь-июль | - | Халқ таълими вазирлиги |
| 5. | 2021-2022 йилларда Халқ таълими муассасалари ошхона ходимларининг малакасини ошириш йиллик истиқбол режасини йиллар кесимида тасдиқлаш, ушбу мақсадларга зарур бўладиган манбаларини белгилаш. | 2021 йил. май-июн | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| 6. | Ёшларни тўғри овқатланишини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими муассасалари ошпазларининг малакасини замон талаблари даражасида ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш <i>(масофавий ва анъанавий тарзда)</i> . | 2021-2025 йиллар жадвал асосида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази |
| III. Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш ишларини ривожлантириш | | | | |
| 7. | Халқ таълими вазирлиги муассасалари ошпазлари учун умумий овқатланиш, сервис ва соғлом овқатланиш билан боғлиқ янгиликлар, соҳада юзага келаётган ўзгаришлар, соғлом ва тўғри овқатланиш билан боғлиқ замонавий тажрибалар, ўзбек миллий пазандачилик хусусиятлари ва анъаналари юзасидан махсус тренинглар ҳамда маҳорат - дарсларини оффлайн ва онлайн шаклда ташкил этиш. | 2021-2022 йиллар Режа асосида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, уюшманинг ҳудудий вакиллари |
| 8. | Халқ таълими муассасаларида давлат ва хусусий ҳамкорлик тизимини жорий қилиш жараёнида муассаса ошхоналарини технологик жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш ва жойлаштириш бўйича тавсиялар бериш ва ошхона фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш. | 2021-2022 йиллар | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси |

| | | | | |
|----|--|---------------------------------|---|---|
| 9. | Халқ таълими муассасалари тизимидаги муассасаларнинг ошхоналарида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган, тажрибали, маҳоратли ва ўз ишини яхши ўзлаштирган аммо мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ошпазларни валидациядан ўтказиш ва уларнинг касбий маҳорати бўйича тоифаларини белгилаш. | 2021-2025 йиллар давомида | - | Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Халқаро ўзбек пазандачилик санъати Маркази |
|----|--|---------------------------------|---|---|